**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ғ.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАТИБАЕВ ТАСПОЛАТ БАЛТАБАЕВИЧ**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ДЕМОКРАТЛАШУВИ ЖАРАЁНИДА ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИК ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

**22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи**

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**УДК:** 316.3:321.01105(575.1)

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Матибаев Тасполат Балтабаевич**
Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг демократлашуви жараёнида ижтимоий ҳамкорлик тизимини ривожлантириш омиллари..... 3

**Матибаев Тасполат Балтабаевич**
Факторы развития системы социального сотрудничества в процессе демократизации государственной и общественной жизни в Узбекистане..... 25

**Matibaev Taspolat Baltabaevich**
Factors of development constructing social cooper system within the process of democratization of state and public life in Uzbekistan..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**
Список опубликованных работ
List of published works…..... 51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ғ.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАТИБАЕВ ТАСПОЛАТ БАЛТАБАЕВИЧ**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ДЕМОКРАТЛАШУВИ ЖАРАЁНИДА ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИК ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

**22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи**

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Sots5 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда [ўзбек, рус, инглиз (резюме)] Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.nuu.uz; ik-falsafa@nuu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz.) манзилларига жойлаштирилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий маслаҳатчи:** | **Холбеков Абдуғани Жуманазарович**<br>социология фанлари доктори, профессор |
| **Расмий оппонентлар:** | **Саифназаров Исмоил Саифназарович**<br>фалсафа фанлари доктори, профессор |
| | **Содиқова ШоҳидаМарҳабоевна**<br>социология фанлари доктори |
| | **Раматов Жуманиёз Султанович**<br>фалсафа фанлари доктори, профессор |
| **Етакчи ташкилот:** | **Самарқанд давлат университети** |

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ғ.01.05 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгашнинг 2017 йил «___»_____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 1-қават, 117-хона. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail:nauka@nuu.uz).

Докторлик (Doctor of Science) диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2017 йил «____» _____да тарқатилди.
(2017 йил «___»_____даги ___ рақамли реестр баённомаси.)

**М.Б.Бекмуродов**
Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш раиси, соц.ф.д., профессор

**О.Д.Нишанова**
Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш котиби, ф.ф.д.

**А.А.Умаров**
Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, соц.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги глобаллашув жараёнларининг чуқурлашиши шароитида дунёнинг қатор мамлакатлари ижтимоий ҳамкорликка оид давлат сиёсатини ишлаб чиқиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Шунингдек, ҳукумат ва фуқаролик сектори ўртасидаги шериклик тўғрисида битимлар, баёнотлар, меморандумлар, хартиялар ва стратегиялар, ижтимоий шерикликнинг субъектлари, принциплари, йўналишларининг аниқ инструментлари, шу жумладан, молиялаштириш, томонлар масъулияти масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон илғор тажрибаси кўрсатадики, бошқарув органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва тижорат тузилмалари ҳамкорлигининг турли шаклларини қўллаш, умумманфаатларга хизмат қилувчи шерикликни амалга ошириш демократик тараққиётнинг самарали йўлидир. Бугун тараққий топган мамлакатларда ижтимоий ҳамкорликни янада ривожлантириш, ундаги оптималлаштириш жараёнларига, манфаатлар мувозанатини таъминлашда консенсусга эришишнинг адаптацион ва контракцион усулларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ижтимоий ҳамкорлик борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Икки палатали миллий парламент, кўп партиявийлик тизими, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи миллий марказ, Омбудсман, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ташкилотлари, бизнес ва тадбиркорлик ассоциациялари ташкил этилди. Маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ўсиб келаётган ёш авлодни турли кўринишдаги таҳдидлардан ҳимоя қилишда фуқаролар йиғини ва ички ишлар органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг самарали тизими шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида демократик талабларга жавоб берадиган, фуқаролик жамияти институтларининг эркин ривожланишини таъминлашга қаратилган 250 дан ортиқ қонун ҳужжатларини мужассам этган салмоқли ҳуқуқий база яратилди. Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 9 мингга яқин нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Лекин, шу билан бирга, ижтимоий ҳамкорлик тизимида муҳим аҳамият касб этувчи давлат билан халқ, жамият ўртасидаги мулоқот етарли даражада эмас эди. Шу маънода 2017 йилнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат бошқаруви органларининг қуйи бўғинлари фаолиятини тубдан яхшилаш, уларнинг халқ билан доимий мулоқотини таъминлаш, бу борада самарали ижтимоий ҳамкорлик механизмини мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилгани, «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши

керак»[1] тамойилининг давлат ва жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнларига жорий этилиши ижтимоий ҳамкорлик тизимини ривожлантириш муаммоларини жиддий тадқиқ этишни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги (2013), «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги (2014), «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги (2014), «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги (2016) қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 8 сентябрь ПФ-5185-сон «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонларида ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишидаги давлат илмий-техника дастури I. «Давлат ва жамият қурилиши» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[2].**

Давлат ва жамият ҳаётининг демократлашуви жараёнида ижтимоий ҳамкорлик тизимини ривожлантиришга бағишланган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари, олий таълим муассасалари, жумладан, The Harriman Institute at Columbia University (АҚШ); School of Oriental and African Studies at Cambridge University (Англия); The WZB Berlin Social Science Center (Германия); Institute of Social Science, the University of Tokyo (Япония), Korean Social Science Data Centre (Корея); The Social Science Research Centre on Contemporary China (Хитой); Институт философии и права РАН Российской Федерации, Ассоциация социологов России (Россия) илмий-тадқиқот институтида олиб борилмоқда.

Ижтимоий ҳамкорлик тизимига оид тадқиқотларда қуйидаги илмий натижалар олинган: ижтимоий шериклик концепцияси ва уни ҳаётга жорий этиш технологияси ишлаб чиқилган (University of Indiana, Department of Central Eurasian Studies, АҚШ); ижтимоий шериклик самарадорлигини оширишда томонлар манфаатлари мувозанатини таъминлаш муаммолари очиб берилган (The Harriman Institute at Columbia University, АҚШ); трипартизм моделидаги ишчи ходимлар (касаба уюшмалари, бирлашмалар, ассоциациялар), иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари, ассоциациялари) ва давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида тенг шериклик тамойиллари ишлаб чиқилган (School of Oriental and

[1]Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –116 б.

[2]http://www.euni.ru/library/review/93.92.148.122; http://www.iub.eduTopics:IndianaUniversityBloomington; https://www2.gwu.edu/~ieresgwu; http://www.educationindex.ru/university-search/school-of-oriental-and-african-studies-university-of-london; http://www.iss.u-tokyo.ac.jp/; http://www.ksdc.re.kr/unisql/engjap/eindex.html. https://fss.umac.mo/departments-and-programmes/centre/ssrc/.

African Studies at Cambridge University, Англия); жамиятда ижтимоий ташаббус ва инновацияларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишида «қуйидан ташаббуслар» деб аталувчи модификациялаштирилган дастур ишлаб чиқилган (The WZB Berlin Social Science Center, Германия); ижтимоий ҳамкорлик самарадорлигини оширишда томонлар манфаатлари мувозанатини сақлаган ҳолда меҳнат жамоаларини бошқаришнинг замонавий услублари (менежмент тамойиллари асосида) ишлаб чиқилган (Institute of Social Science, the University of Tokyo, Япония, Korean Social Science Data Centre, Корея, The Social Science Research Centre on Contemporary China, Хитой); амалдаги қонунларда ёлланма ишчи, ёлловчи, касаба уюшмалари ва ҳукуматнинг меҳнат соҳасида шериклик муносабатларининг ҳуқуқий базаси такомиллаштирилган (Институт философии и права РАН Российской Федерации, Ассоциация социологов России, Россия).

Дунёда ижтимоий ҳамкорлик тизимини ривожлантириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: ижтимоий шерикликнинг генезиси, эволюцияси ва оптималлаштириш жараёнлари; жамият, давлат ва шахс ўртасидаги ҳамкорликда тенг иштирок этиш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш; фуқаролар турли уюшмалари ўртасида тенг шерикликни йўлга қўйиш; томонлар ўртасидаги зиддиятларни учинчи томон орқали муросага келтириш ва консенсусни амалга ошириш; турли низоли вазиятларда адаптацион ва контракцион усуллар билан ҳамкорликка эришиш; глобаллашув шароитида миллий ва умуминсоний омилларнинг уйғунлашувини таъминлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳамкорлик масалалари Гомер, Афлотун ва Арасту, Данте ва Гёте, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк, Алишер Навоий каби кўплаб алломаларнинг асарларида ўз даврига мос тарзда очиб берилган. Хусусан, Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея» достонлари, Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» номли асарида ҳамкорлик кишилараро муносабатлар тартиб-тамойилларини мувозанатга солувчи «шахс – жамият – давлат» уйғунлиги тарзида ифодаланган. Шахслараро тизимли позитив муносабатлар, кишиларни бирлаштирувчи ғоялар инсониятнинг тадрижий ривожланишини таъминловчи омил сифатида талқин қилинган.

Ҳамкорлик ғояси ўтмишнинг турли даврларида ҳар бир тарихий вазият ва воқеликларга боғлиқ ҳолда турлича намоён бўлган[3]. Шу билан бир қаторда у Ғарб ва Шарқ халқларига хос ментал хусусиятларни ҳам ўзида акс эттирган: агар Гомернинг қаҳрамони Одиссей бахтга шахсий саргардонлик орқали эришишга индивидуал тарзда интилса, Алишер Навоийнинг қаҳрамони Фарҳод ўз бахтини миллати, тили, дини ва географик маконга

[3]Юсуф хос Хожиб. Қутадғу билиг. -Тошкент, 1971, -964 б; Сиёсатнома (Сияр ул-мулук)/ Низомулмулк; ред. Ш. Холмурод. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. –240 б; Темур тузуклари. Б.Аҳмедов таҳр. остида. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996. –124 б; Навоий, Алишер. Хамса. - Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1960. –631 б; Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома -Тошкент, 2002, - 336 б; Термизий, Хожа Самандар. Дастур ул-мулук: подшоҳлар учун дастур. Масъул муҳаррир Б.Аҳмедов. - Тошкент: Шарқ, 2001, -352 б.

боғлиқ бўлмаган ҳолда кўп сонли инсонлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ижтимоий ҳамкорлик ва муҳаббатда кўради.

Хорижлик олимлар, хусусан, А.Смит, Г.Спенсер, Б.Рассел ва бошқаларнинг тадқиқотига кўра[4], ҳамкорлик Ғарбда саноатлашган жамият шаклланиши билан кучайган бўлса, унинг демократик ривожланиш даврига кириши билан тадқиқотларда ижтимоий шерикликнинг ўзаро боғлиқлиги янада кўламлироқ ёритилди. Хорижлик жамиятшунос мутахассислар: В.Васович, Д.Горовиц, Х.Линц, А.Степан, М.Ноттурно, С.Хантингтон, Ф.Эйдлин ва бошқаларнинг асарларида ижтимоий шериклик муаммолари жамиятнинг демократлашуви нуқтаи назаридан ишлаб чиқилди[5].

Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг демократлашуви жараёнида ижтимоий ҳамкорликнинг социологик масалалари тадқиқи М.Бекмуродов, М.Ганиева, А.Умаров, А.Холбеков, О.Абдуазимов[6]; фалсафа фани кесимида Р.Жумаев, И.Эргашев, Н.Жўраев, М.Қирғизбоев ва бошқалар, шунингдек, юридик, сиёсатшунослик фанлари кесимида А.Азизхўжаев, О.Ҳусанов, С.Жўраев ва бошқаларнинг ишларида кузатилади[7]. Ижтимоий ҳамкорлик феноменига жамиятнинг турли соҳаларига оид ижтимоий фактлар нуқтаи назаридан ёндашган мутахассислар глобаллашув шароитида ривожланаётган демократик ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзини яхлит тарзда эмас, балки муаммонинг у ёки бу жиҳатини ўрганишган.

Диссертация мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур ижтимоий феномен тизим сифатида, айниқса, Ўзбекистонда уни шакллантириш ва ривожлантириш омиллари комплекс ўрганилмаган ва мамлакатимиз ижтимоий-гуманитар фанларида бу муаммога бағишланган

---

[4]Smith A. (An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations). – М.: Эксмо, 2007. –P. 255; Spencer H. The Man versus the State. –СПб.: СОЦИУМ, 1884; Russell B. Consciousness in the physical world. Perspectiveson Russellian Monism// USA. Oxford University Press, 2015. –P. 121-142.

[5]Васович В. Переход к демократии в посткоммунистических странах (парадокс перехода - демократизации)// Вестник МГУ. Серия 18, Социология и политология. –№2. –1998. –С. 19-49; Горовиц Д. Структура и стратегия этнического конфликта//Власть. –№2. –2007. –С.29-37; Линц Х., Степан А. Государственность, национализм и демократизация//Полис. –№5. –1997. –С.8-19; Формирование государств и наций// Панорама-Форум. –№1(8). –1997. –С.1-14; Ноттурно М. Открытое общество и его враги: сообщество, авторитет и бюрократия//«ВФ». –№11. –1997; Хантингтон С. Третья волна. Демократизация в конце XX века. –М.: РОССПЭН, 2003; Столкновение цивилизаций. –М.: АСТ, 2003; Эйдлин Ф. Сила и бессилие системы коммунистической власти// Полис. –№6. –1991. –С.14-23.

[6]Бекмуродов М.Б. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. –Тошкент: Фан, 1999. –244 б; Ганиева М.Х. Общественное мнение как фактор развития межнациональных отношений в Узбекистане. – Тошкент: Университет, 2006. –168 с; Умаров А.А. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли. Соц. фан. док... дис. автореферати. –Тошкент, 2005. –55 б; Холбеков А.Ж., Матибоев Т.Б. Ижтимоий адолат ва демократия: барқарор тараққиёт йўлида. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. –188 б; Абдуазимов О.У. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни (Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг 2001-2016 йиллардаги материаллари мисолида). Монография. –Тошкент: Fan va texnologiya, 2016. –352 б.

[7]Жумаев Р.З. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. –Тошкент: Шарқ, 1998. -143 б; Эргашев И. Қишлоқ сиёсий-ижтимоий жараёнлар тизимида. –Тошкент, Шарқ, 1998. –75 б; Жўраев Н. Тафаккурдаги эврилиш: истиқлол изтироблари ва қувончлари ҳақидаги мулоҳазалар. –Тошкент, Шарқ, 2001. –240 б; Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010, –256 б; Азизхўжаев А.А. Демократия – халқ ҳокимияти демакдир. –Тошкент, Шарқ, 1996. –22 б; Ҳусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. –Тошкент, Шарқ, 1997. –160 б; Жўраев Т. Бузувчи ва тузувчи тизимлар//Тафаккур. –№2. –2000. –Б. 24-29; Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт: Илмий-таҳлилий мақолалар тўплами. –Тошкент: ТошДШИ, 2003. –Б.47-51.

алоҳида таҳлилий тадқиқотлар мавжуд эмас. Шу нуқтаи назардан давлат ва жамият ҳаётининг демократлашуви жараёнида ижтимоий ҳамкорликни тизимли тадқиқ этиш илмий-амалий аҳамиятга эга.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг инвестиция лойиҳалари илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида «Ўзбекистонда маънавий-маърифатчилик сиёсатини ривожлантириш ва такомиллаштириш» (2014–2015. №I И-1-1504) мавзуси бўйича бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг демократлашуви жараёнида ижтимоий ҳамкорлик тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ижтимоий ҳамкорлик институтининг генезиси, миллий хусусиятлари ва эволюциясини очиб бериш;

ижтимоий ҳамкорликнинг тенг шерикчилик, демократия, адолат ва инсон ҳуқуқлари билан боғлиқлигини ёритиш;

бозор иқтисодиётига ўтишда бипартизм, трипартизм ва полипартизм моделларининг аҳамиятини очиб бериш;

Ўзбекистонда халқ билан мулоқотга қурилган ижтимоий ҳамкорликнинг ўзбек модели шаклланганини асослаш;

давлат ва жамият ҳаётини демократлаштиришда ижтимоий ҳамкорликнинг бошқарув тизимига, фуқаролик жамияти институтларининг шаклланишига, «давлат халққа хизмат қилиши зарур» тамойилининг ҳаётга жорий этилишига таъсирини аниқлаш;

бозор иқтисодиёти шароитида юзага келадиган иқтисодий-мулкий зиддиятларни ҳал этишда ижтимоий консенсуснинг аҳамиятини ёритиш;

ўрта мулкдорлар қатлами (ўрта синф)нинг шаклланиши ва мустаҳкамланиши мамлакатимизда ижтимоий ҳамкорлик тизимини ривожлантиришнинг зарур омили бўлаётганлигини далиллаш;

демократиянинг қарор топишида ҳукумат – бизнес – нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг муҳимлигини асослаш;

барқарор ривожланишга эришиш, миллатлараро ва этносоциал муносабатларни, диний бағрикенгликни юксалтиришда ижтимоий шериклик, ҳамкорлик, бир-бирини қўллаб-қувватлашнинг аҳамиятини кўрсатиш.

**Тадқиқотнинг объектини** давлат ва жамият ҳаётини демократлаштириш, ижтимоий ҳамкорлик тизимини ривожлантириш жараёнлари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг предметини** давлат ва жамият ўртасидаги муносабатлар, ҳукумат, бизнес тузилмалари ва жамоат ташкилотлари алоқалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари** анализ ва синтез, тизимли функционал ёндашув, тарихийлик, мантиқийлик, кузатув, эксперт сўрови, контент-

таҳлил, анкета, интервью, социодинамик таҳлил, эксперименталар ўтказиш, социометрия кабилардан иборат.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон жамиятида ижтимоий иштирок, ижтимоий шериклик, ижтимоий ҳамкорликдан иборат ўзига хос муносабат шаклларининг амал қилиши очиб берилган;

фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида социал муносабатлардаги гомеостазис (мувозанат) ва социостазис (ўзини ўзи тартибга солиш) механизмлари воситасида ижтимоий ҳамкорликнинг таъминланиши исботланган;

Ўзбекистонда шаклланаётган ўрта мулкдорлар қатлами таъсирида ижтимоий ҳамкорлик тизимининг ривожланиш тенденциялари аниқланган;

давлат ва жамият ҳаётининг демократлашуви ижтимоий ҳамкорлик моделлари (бипартизм, трипартизм, полипартизм)нинг шаклланишига, улар ўз навбатида демократик бошқарувнинг амал қилишига таъсир этиши социологик тамойил экани асосланган;

жамият ҳаётида ижтимоий ҳамкорлик тизимини издан чиқарувчи салбий ижтимоий феноменлар (бюрократия, коррупция, уюшган жиноятчилик) ва бузғунчи ғоялар (диний экстремизм ва терроризм) таъсирининг олдини олиш мақсадида фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг таъсирчан медиа воситаларини қўллаш усуллари такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

давлат билан жамият, хусусан, тадбиркор билан ходим ўртасидаги муносабатлар социал лойиҳалаштириш қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилган;

демократлашув жараёнларида ижтимоий ҳамкорлик тизимининг кенгайиб боришидан келиб чиқиб, амалиётга, хусусан, бизнес ҳамжамияти, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ўртасидаги муносабатларнинг социодинамик жараёнларини кузатиш, баҳолаб бориш меъёрлари тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг *илмий* аҳамияти диссертацияда илгари сурилган концептуал ғоялардан социология, фуқаролик жамияти, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, миллий ғоя сингари фанлар бўйича ўтказиладиган тадқиқотлар ҳамда методологик ёндашувларни такомил-лаштиришда, шунингдек, ижтимоий ҳамкорлик тизими самарадорлигини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда назарий асос сифатида фойданиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг *амалий* аҳамияти олинган натижалардан давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, тижорат тузилмалари, ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятида, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий

барқарорлигини таъминлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган сиёсий партиялар ва тижорат вакиллари ўртасида ижтимоий ҳамкорлик ривожига бағишланган мақсадли дастурлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлигида кўринади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқотнинг ижтимоий ҳамкорлик тизимини ривожлантириш бўйича қуйидаги натижалари амалиётга жорий қилинган:

Ўзбекистон жамиятида ижтимоий иштирок, ижтимоий шериклик, ижтимоий ҳамкорликдан иборат ўзаро муносабат шаклларининг амал қилиши хусусиятларига оид таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонунини (4, 5, 6, 7, 12, 24-моддалар) ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2016 йил 19 августдаги 1-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши давлат органлари ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, турли меҳнат жамоаларида ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштиришга хизмат қилган;

давлатни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида ижтимоий ҳамкорликни таъминлашнинг гомеостазис (мувозанат) ва социостазис (ўзини ўзи тартибга солиш) механизмлари амал қилиши билан боғлиқ илмий таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институтининг 2016 йил 23 ноябрдаги 01/07-336-сон маълумотномаси; Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2016 йил 1 июлдаги 203/ТФ-сон маълумотномаси). Натижада мақсадли тадқиқотлар ўтказиш орқали аҳоли турмуш даражаси мониторингини ташкил этиш имкони яратилган;

мамлакатимизда ўрта мулкдорлар қатламининг шаклланиш жараёнларини ҳамда ўрта синфнинг ижтимоий ҳамкорлик тизими ривожига таъсирини эмпирик тадқиқотлар орқали аниқлашга хизмат қилувчи сўровноманинг янги, модификациялаштирилган методикаси «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази фаолиятига жорий этилган («Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказининг 2016 йил 23 майдаги 01-16/175-сон маълумотномаси). Натижада бу ўрта синфнинг шаклланиши билан боғлиқ равишда давлат ва жамият ҳаётида ижтимоий ҳамкорлик тизимининг ривожланиш тенденциясини эмпирик тарзда аниқлашга имкон берган;

социумда ижтимоий ҳамкорлик моделлари (бипартизм, трипартизм ва полипартизм)ни қўллашга оид таклифлардан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши фаолиятида, хусусан, меҳнат жамоаларида ишлаб чиқариш низоларини бартараф этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг 2016 йил 29 августдаги БМ-05/1322-

сон маълумотномаси). Бу таклифлар бандлик, иш ҳақи, суғурта, ижтимоий ҳимоялаш муносабатларини тартибга солишга хизмат қилган;

жамият ҳаётида ижтимоий ҳамкорлик тизимини издан чиқарувчи салбий ижтимоий феноменлар (бюрократия, коррупция, уюшган жиноятчилик) ва бузғунчи ғоялар (диний экстремизм ва терроризм) таъсирининг олдини олиш мақсадида фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг таъсирчан медиа воситаларини қўллаш усулларига оид илмий-амалий таклифлардан «Қиёматга қолган қарз» ва «Хоинлик» номли ҳужжатли фильмлар сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Тошкент» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2016 йил 2 июндаги 0101-323-сон маълумотномаси). Натижада мазкур фильмлар турли зарарли ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришга, оилавий ҳаётда аҳилликни мустаҳкамлашга, шахслараро муносабатларни яхшилашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 17 та илмий-амалий (шундан 6 та халқаро ва 11 та республика миқёсида) конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 63 та илмий иш, жумладан, 3 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 16 та мақола, шундан 14 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми**. Диссертациянинг таркибий тузилиши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 214 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари аниқланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти, ишончлилиги, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ижтимоий ҳамкорлик муаммоларини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг «ижтимоий ҳамкорлик» тушунчаси ва моҳиятига тегишли назарий қарашлари тадрижий ва тизимли таҳлил қилинган. Муаммони ўрганишга бундай ёндашув жамият ва давлат шаклланиши, ривожи билан боғлиқ тарихий жараёнлар ва унда ижтимоий ҳамкорликнинг турли кўринишларини аниқлаш ва холис баҳолашга имкон берган.

Жамият тараққиётининг тадрижий ёки инқилобий кечишида турли низолар ва келишмовчиликлар рўй берган. Уларни бартараф этиш ўз моҳиятига кўра, ижтимоий ҳамкорликка бевосита ва билвосита боғлиқ бўлган. Шу нуқтаи назардан диссертацияда турли даврдаги олимларнинг ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий меросларн қиёсий ўрганиб чиқилган. Унда озод фуқаро ва давлат ўртасида шартномавий муносабатлар зарурлиги муаммосини биринчилардан бўлиб ўрганган юнон файласуфи Афлотуннинг, жамият ҳаётида ҳамкорликка эришиш йўлида ўзаро келишув зарурлигини асослаб берган француз мутафаккири Жан Жак Руссонинг, ижтимоий-иқтисодий муносабатларда консенсус ва ўзаро ён беришнинг фаол тарафдори бўлган немис файласуфи Иммануил Кант ва бошқаларнинг ғоялари қиёсий ўрганилган. Зардуштийлик, кейинчалик ислом динининг умуминсоний ғоялари негизида Марказий Осиёда ижтимоий ҳамкорлик ғояларининг ривожланиш тенденциялари очиб берилган. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, буюк соҳибқирон Амир Темур, мутафаккир шоир Алишер Навоий асарларида ифода этилган одамлар орасида тинчлик, ҳамкорлик ва ўзаро келишув ғоялари таҳлил қилинган.

Диссертацияда Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг назарий қарашлари қуйидагича умумлаштирилган: 1) ижтимоий тенглик фуқаро, давлат ва жамиятнинг ижтимоий фаровонлиги йўлида амалга ошириладиган фаолият учун муҳим омил ҳисобланади; 2) халқ, миллат тараққиётининг муайян даврларида ўзаро шахсий муносабатлар, жамият тизимларидаги турли демократик институтларнинг ижтимоий ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади, яъни уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари манфаатларига мос келувчи мақсадлар уйғунлигига эришилганда самара беради; 3) шарқона ҳамкорлик ахлоқий қадриятлар ва ижтимоий адолат қоидалари асосида амалга оширилади; 4) ижтимоий ҳамкорлик ҳамма даврларда одамлар, этник

гуруҳлар ва миллатлар орасидаги муносабатларни тўғри ташкил этиш, назорат қилиш, бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг муҳим омили ҳисобланган; 5) ижтимоий ҳамкорликни самарали амалга оширишда менталитет, ахлоқий қадриятлар, урф-одатлар, тил, миллий онг, халқ маънавияти каби омилларга асосланган; 6) фуқаролик жамиятининг шаклланиши халқнинг озодлик, ижтимоий ҳамкорлик, ўзаро тенглик ҳақидаги қарашларини ўзига сингдириб, асрлар давомида тарихий тараққиёт натижасида таркиб топган маънавий мерос ва миллий ғояга асосланган.

Диссертацияда собиқ мустабид тузум ва мустақиллик давридаги «ижтимоий ҳамкорлик» тушунчалари қиёсий ўрганилган. Айтиш жоизки, давлат мустақилликка эришиши билан одамларнинг ҳаёт тарзи, онги ва тафаккурида туб ўзгаришлар рўй берди. Уларда тадбиркорлик кўникмаси шаклланиб, меҳнатга ёндашиш позитив ўзгарди. Шу маънода ижтимоий ҳамкорлик муаммоси, аввало, дунёда рўй бераётган глобал жараёнларда давлатнинг ижтимоий ҳамкорлик тизими такомиллашиб бораётгани аниқланган бўлса, иккинчидан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзига хос модернизациялашув жараёнида ижтимоий ҳамкорлик шаклларининг ортиши ва мустаҳкамланишига эътибор қаратилди. Учинчидан, жамиятнинг трансформациялашуви, давлатда босқичма-босқич амалга оширилган туб ислоҳотлар ижтимоий ҳамкорлик тизимини ривожлантиришнинг хилма-хил омиллари намоён бўлишига олиб келди.

Ўзбекистон жамиятида ижтимоий ҳамкорлик ўзига хос тарзда уч босқичда намоён бўлади. Ҳамкорликнинг биринчи кўриниши муайян бир фаолиятда *иштирок этиш* бўлиб, бунда қатъий шартномавий муносабатлар шакланмайди. Бунга мисол сифатида халқимиз орасида кенг тарқалган ҳашар, турли оммавий тадбирлар (тўй, марака, байрам ва ҳ.к.)ни келтириш мумкин. Иккинчи кўринишда бирор фаолиятни амалга ошириш учун иштирокчилар шартномавий муносабатга киришадилар. Бунда субъектлар *шерикларга* айланади. Уларнинг хатти-ҳаракатлари муайян мезонлар билан регламентлаштирилган ҳужжатларда (битим, шартнома, меморандум ва ҳ.к.) ўз ифодасини топади. Учинчи ҳолда эса ҳам иштирок, ҳам шериклик муносабатлари бирдай амал қилади. Субъектлар ўзларининг муайян функцияларини бажариш билан бир вақтда шу ишга хайрихоҳлик, виждон амри, инсоний бурч туфайли астойдил киришадилар. Бундай ўзаро муносабатлар чин маънодаги *ижтимоий ҳамкорлик* даражасига кўтариладики, Ғарб мамлакатлари амалиётида ҳамкорликнинг ушбу кўриниши, одатда, кузатилмайди.

Диссертацияда тадқиқотнинг марказий ўрнини эгалловчи ўзаро боғлиқ мазкур тушунчаларга қуйидагича таъриф берилган:

*ижтимоий иштирок* – алоҳида фуқаролар, ижтимоий субъектлар ва ташкилотларнинг муайян соҳаларда белгиланган мезон ва қоидаларга риоя қилган ҳолда бирор фаолиятни биргаликда амалга оширишда қатнашиши. Ижтимоий иштирок – ижтимоий ҳамкорликнинг дастлабки босқичидир;

*ижтимоий шериклик* – ижтимоий ҳамкорликни амалга оширишнинг муҳим механизми, давлат органлари, иш берувчилар (бизнес тузилмалар), ишчи ходимлар (касаба уюшмалари) ва жамоат ташкилотларининг ўзаро манфаатдорлик асосида биргаликдаги фаолиятидир;

*ижтимоий ҳамкорлик* – жамиятнинг бош стратегик мақсади билан чамбарчас боғланган, шахс, ижтимоий субъект ва гуруҳларнинг манфаат, талаб ва эҳтиёжлари умумийлигидан келиб чиқиб, жамиятнинг яхлит ривожланишини таъминлашга йўналтирилган биргаликдаги фаолиятдир.

Диссертацияда ижтимоий ҳамкорликнинг миллий модели моҳияти, унинг хусусиятлари ва умуминсоний жиҳатлари очиб берилган. Хусусан, бозор муносабатларига ўтишда мустақил мамлакатимиз танлаган ўзига хос ва мос ўзбек моделига асосланган анъаналаримиз, урф-одатлар, менталитет хусусиятлари ва барча шартларни ҳисобга олиб, собиқ тузум иқтисодиётининг бирёқламалиги, яъни гипертрофик ёндашувнинг камчиликларини бартараф этишга қаратилгани ёритилган. Айни пайтда жамиятни янгилаш ва давлатни демократлашуви жараёнида ижтимоий ҳамкорлик тизимини шакллантириш ва такомиллаштириш қиёсий тадқиқ қилинган.

Ўзбекистонда давлатнинг кучли ижтимоий сиёсати бозор ислоҳотларининг барча босқичларида ижтимоий ҳамкорлик тизимини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Давлатимизнинг қонунларида ижтимоий меҳнат соҳасида ходим, иш берувчи, касаба уюшмалари ва давлатнинг шериклик муносабатларининг ҳуқуқий базаси социал ҳаётдаги кўплаб муаммоларни ечишга хизмат қилиши асослаб берилган. Диссертацияда мазкур муносабатларни мувофиқлаштирувчи асосий ҳуқуқий актлар, ижтимоий шериклик қоида ва меъёрларини жорий қилиш механизмлари, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинган. Мазкур таҳлил Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат сифатида демократлашуви ижтимоий ҳамкорликни ва унинг асосий шакли – ижтимоий шерикликни ташкил этишда бош омил бўлмоқда, дея хулоса чиқаришга имкон берган.

Тадқиқот натижасига кўра, Ўзбекистонда ижтимоий ҳамкорликнинг ўзига хос хусусиятлари, энг аввало, муросага келтириш фалсафаси бўлган ижтимоий ҳамкорлик мамлакатдаги турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишиларнинг келишувини таъминлайди; иккинчидан, жамиятнинг ижтимоий платформаси, унинг ижтимоий барқарорлик кафолати, ижтимоий консенсус муваффақияти, ижтимоий низоларни бартараф этадиган асосий омил ўрта синф ҳисобланиши аниқланди; учинчидан, мамлакатда амалга оширилаётган янги босқичдаги комплекс ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида ижтимоий ҳамкорлик шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги фарқни қисқартиришга йўналтирилганлиги кузатилди; тўртинчидан, Ўзбекистонда ижтимоий ҳамкорлик ва ижтимоий шерикликнинг ажралиб турадиган ўзига хос хусусияти унинг турли моделларидан фойдаланган ҳолда социологик усуллар асосида қарорлар қабул қилишга эришиш ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этишда ижтимоий**

**ҳамкорлик механизми**» деб номланган иккинчи бобида ижтимоий ҳамкорликни татбиқ этиш омиллари сифатида демократия ва ижтимоий адолатнинг ўзаро боғлиқлиги масалалари таҳлил қилинган. Шу муносабат билан бир қатор хорижий олимларнинг (Васович, Липсет, Алмонд, Верба, Ростоу, Линц, Степан ва б.) илмий асарлари таҳлили асосида демократияни таъминловчи механизмлар қиёсий ўрганилган. Шунингдек, ижтимоий адолат қоидалари билан боғлиқ турли назарий ёндашувлар: низоли (Дарендорф); меритократик, либерал (Хайек, Фридман, Нозик); консерватив (Страус, Фогелин, Харт); эгалитар (Флетчер, Фромм, Маркузе, Тоффлер) ва бошқалар кўриб чиқилган.

Диссертацияда жамият тараққиётида муносабатларни мувозанатга келтирувчи ва ўзини-ўзи тартибга солувчи механизмлар мавжудлиги таҳлил қилинган. Табиат ва жамиятда мувозанатлаштирувчи жараёнларнинг амал қилиши «гомеостаз»* тушунчаси билан изоҳланади. Ижтимоий тизим ҳисобланувчи социумда унинг тузилмасини издан чиқариб юбориши мумкин бўлган ички ва ташқи омилларни зарурий меъёрда сақлаб туриш имкони бор. Бунинг учун жамиятнинг ўзини ўзи қатъий тартибга солиб, ҳаракатланувчилик хусусияти қўл келади. Социологияда мавжуд социостазис* қоидаси айнан давлатни демократлаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этишда ижтимоий тизимни такомиллаштириш, рўй берувчи ўзгаришларга мос равишда меъёрий чегараларни таъминлаш, жамиятдаги учта сектор – давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва бизнес тузилмаларининг манфаатларини уйғунлаштириш функцияларини бажаради.

Диссертацияда ижтимоий ҳамкорликнинг турли моделлари назарий-танқидий ўрганиб чиқилди. Ижтимоий ҳамкорлик жараёнларида ижтимоий мезон сифатида *сиёсий иштирок* масалалари демократия ва ижтимоий адолат тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги призмаси орқали, *ижтимоий меъёр* эса ижтимоий ҳамкорлик тизимларини мувофиқлаштириш механизми сифатида кўриб чиқилди. Изланишлар натижасида қуйидагилар аниқланди:

- ижтимоий ҳамкорлик қоидаларини реал ҳаётда амалга ошириш жамиятни демократлаштиришнинг асосий шарти ҳисобланади;

- шарқона ҳамкорлик фалсафасининг ўзига хос хусусияти, унда «меъёр» ва «мезон» тушунчаларига катта эътибор қаратилгани кузатилди. Зеро, ижтимоий ҳамкорлик моҳиятан меъёр ва мезонларга асосланган ўзаро манфаатли муносабатлар тизимидир;

- имтиёзга эга кам сонли одамларнинг жамиятдаги барча имкониятларидан фойдаланиши ва айни пайтда кўп сонли фуқароларнинг бундай имкониятлардан маҳрум этилиши, бойлар ва камбағаллар ўртасидаги кескин тафовут пайдо бўлиши, аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилинмаганлиги

---

*Гомеостазис (юнонча homoios – ўхшаш ва stasis – мувозанатда бўлиш) – тирик организмларнинг ички ҳаракат доимийлигига таҳдид солувчи ички ва ташқи муҳит омилларини четлатиш ёки чегаралашга қаратилган мослашувчанлик реакциялари йиғиндиси.

*Социостазис (лот. societas – жамият ва юнонча “statis” – мувозанатда бўлиш) – жамиятнинг ўз мувозанатини сақлай олиш қобилияти.

натижасида турли қарама-қаршиликлар юзага келишидаги деструктив омиллар ҳисобланади;

- замонавий жамиятда ижтимоий адолат қоидаларига асосланган ижтимоий ҳамкорлик унинг барқарорлик омили сифатида амал қилади.

Шарқона муносабатлар ижтимоий ҳамкорликнинг раҳбар ва ходим; катта ва кичик; устоз ва шогирд; эр ва хотин; ота-она ва бола сингари 5 та асосий субъектлари муносабатларига асосланиши тизимли таҳлил қилинган. Тадқиқотда ушбу жараёнлар деталлаштирилиб, субъектлар орасидаги муносабатларнинг турли даражадаги (ҳукумат – фуқаро, иш берувчи – ишчи, маъмур – хизматчи, сотувчи – харидор, ота-оналар – болалар ва б.) роли тизимли ўрганилган. Уларнинг истеъмол моллари (моддий неъматлар, уй-жой, кўчмас мулк, дори-дармонлар, хизмат турлари)га, ижтимоий манфаатлар (таълим, дам олиш, соғлиқни сақлаш)га, умуминсоний ва миллий ахлоқий қадриятлар (шахсий озодлик, ишчанлик обрўси, виждон, қадр-қиммат ва б.)га муносабати, бозор шароитида ижтимоий ҳамкорлик қоидалари шахслараро муносабатлар ва умуман ижтимоий муносабатларга ҳам жиддий таъсир ўтказиши очиб берилган.

Жамият ҳаётидаги турли хил қарама-қаршилик, зиддият ва низоларни тинч йўл билан ҳал этиш учун томонларнинг бир-бирига ён босиши, муроса йўлини тутиши талаб этилгани боис манфаатдор тарафлар битимга келишининг асосини тенг ҳуқуқлилик ва тенг шартларга амал қилиш ташкил этиши исботланган.

Жамиятда фуқаролик институтларининг роли ортиб боргани, давлатнинг демократлашуви даражаси кўтарилгани сари муайян фаолиятни амалга ошириш учун давлат, нодавлат ташкилотлари ва бизнес ўртасидаги ҳамкорлик кучайиб боради. Натижада ижтимоий ҳамкорликнинг икки томонлама (бипартизм), уч томонлама (трипартизм) ва кўп томонлама (полипартизм) муносабатлари таркиб топади.

Демократия ва фуқаролик жамиятигина бундай ҳамкорлик моделларининг амал қилишига шароит яратиб беради. Ўз навбатида ҳамкорликнинг мазкур моделлари жамиятда тенглик, адолат, барқарорлик, манфаатлар уйғунлиги, ўзаро ҳурмат сингари тамойилларнинг амал қилишини таъминлаш билан давлат ва жамият ҳаётининг демократлашувига замин яратади. Бундай тақозодорликнинг мавжудлиги ижтимоий тараққиётнинг тадрижий давом этишини белгилаб берувчи социологик қонуниятдир.

Шу нуқтаи назардан жамиятда ижтимоий ҳамкорликни таъминлаш тамойиллари ва меъёрлари мослигининг схемаси тузилди (1- расм).

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда жамият ҳаёти демократлашувининг ҳозирги босқичида ижтимоий ҳамкорлик тамойилларининг жорий этилиши**» деб номланган учинчи бобида аҳолининг ўрта мулкдорлар қатламини шакллантириш жараёнлари, динлараро толерантлик масалалари, уларнинг ижтимоий ҳамкорликни ривожлантиришдаги аҳамияти, шунингдек, ижтимоий ҳамкорликнинг динлараро ва маданиятлараро муносабатларни мустаҳкамлашдаги роли тадқиқ этилган.

1-расм

**Жамиятда ижтимоий ҳамкорликни таъминлаш тамойиллари ва меъёрлари СХЕМАСИ**

Дарҳақиқат, ўрта синф ривожланган давлатлар барқарорлигининг асосидир. Бинобарин, ўртача таъминланган аҳолининг истеъмолга оид талаби қондирилиши иқтисодиёт ривожини белгилайди. Социал муносабатларнинг бу асосий унсури, ҳукмрон мафкура ва қадриятлар давомийлигини амалга ошириш тизимининг ютуғидир. Шу боис ўрта синф давлат ва жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида стратегик аҳамият касб этиб, ижтимоий ҳамкорлик «фуқаро – жамият – давлат»нинг ўзаро алоқаларида консенсус асоси бўлиб хизмат қилади.

Диссертацияда ўрта синфни баҳолашнинг турли методлари қиёсий ўрганилган. Хусусан, АҚШда у йиллик даромад кўрсаткичларига асосланади, яъни бу давлатда мол-мулк, жамғарма, хусусий мулк бўйича баҳолаш методикаси мавжуд. Швейцариянинг Credit Suisse банки маълумотларига кўра 2015 йилда дунёда 664 миллион ўрта синф вакиллари мавжуд бўлиб, улар катта ёшдаги аҳолининг 14%ини ташкил этади. Ўрта синф Австралияда 66%, Италия, Буюк Британия ва Японияда 55%дан зиёд, АҚШда 38%, Хитойда 11%, Россияда 4,1% ташкил этади[8].

Диссертацияда Ўзбекистондаги ўрта синф вакилларининг, жумладан, тадбиркорларнинг социологик портрети тасвирланган бўлиб, уларнинг фаолият соҳаси асосан савдо (53 %гача) ҳисобланади, 19 %и – хизмат кўрсатиш соҳасида, 18 %и – маҳсулот ишлаб чиқаришда, 11 %и умумий

[8]https://ru.wikipedia.org/wiki.

овқатланиш соҳасида банд. Ишлаб чиқарувчилар кўпроқ аҳоли учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга мослашганлар. Улардан фақат 10,8 %и корхоналар учун маҳсулотлар ишлаб чиқаради ва хизмат кўрсатади. Тадбиркорларнинг атиги 13 %и бир вақтнинг ўзида фаолиятнинг бир неча тури (одатда иккита) билан шуғулланадилар. Корхоналарнинг ярмида (56 %) ишчилар сони ташкил топганидан буён ўзгармаган. 35 % корхоналарда ишчилар сонининг ўсиши рўй берган, 9 %ида эса қисқариш ҳолати кузатилган[9].

Тадқиқотлар Ўзбекистоннинг ўрта синфи аҳолининг фаол меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган ва ишлаб топилган маблағини моддий фаровонликка сарфлайдиган қисми эканлигини кўрсатди. Фаолият соҳаси ва моддий фаровонлиги ҳақида анкета саволларига респондентларнинг берган жавоблари натижасига кўра, ҳозирги вақтда бу синфга хусусий мол-мулк эгаларининг анъанавий қатлами (кичик ва ўрта бизнес вакиллари, деҳқон ва фермерларнинг катта қисми, шунингдек, интеллектуал соҳа вакиллари, муҳандис-техниклар, ишчилар, маъмурий бошқарув ходимлари, хизматчилар, юқори малакали мутахассислар, хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари)ни, яъни ўрта қатламни киритиш мумкин. Ўрта синфнинг сифат ўлчовлари даромадлар даражаси, истеъмол стандартлари, маълумотлилик даражаси, моддий ёки интеллектуал мулкка эгалиги, юқори малакали меҳнатга лаёқатлилигига боғлиқ бўлиши ўрганилган.

Ўрта синфнинг асосий бандлик турига ёрдам берадиган ёки аксинча, тўсқинлик қиладиган омилларни аниқлаш мақсадида 1000 дан зиёд респондент-тадбиркорлардан анкета саволларига жавоблар олинди*. Уларнинг ишлари муваффақиятли ривожланишига ёрдам берадиган ёки тўғаноқ бўладиган (тегишли равишда 10 та омил бўйича) ва таклиф қилинган 20 та омилдан тегишли ва асосийлари респондентлар томонидан танлаб олинди. Улар фаолиятининг ижтимоий ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик доирасида иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги таҳлил қилинганда, ўрта синфнинг шаклланиши, ривожланиши давлат ва жамиятда ижтимоий ҳамкорлик тизимларининг равнақ топишида муҳим омил бўлиши аниқланди.

Жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда самарали тадбиркорлик фаолиятига ёрдам берадиган омиллар (2-расм): 1) давлатнинг қўллаб-қувватлаши – 86%; 2) фуқаролик институтларини фаоллаштириш – 49%; 3) тадбиркорлик соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш – 63%; 4) қонунлар бажарилиши механизмини мустаҳкамлаш – 48%; 5) макро ва микро кредитлаш самарадорлиги – 76%; 6) аҳолининг ҳуқуқий маданияти – 98%; 7) таълим базаси ва шахсий сифатлар – 58%.

[9]https://www.gaseta.us/2011/09/13/cer/

*Сўров 1200 нафар респондент, яъни турли қатлам тадбиркорлари орасида ўтказилди.

2-расм

**Самарали тадбиркорлик фаолиятига ёрдам берадиган омиллар**




Самарали тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўладиган омиллар (3-расм): 1) бюрократик тўсиқлар – 20,4%; 2) маълумотнинг паст даражаси – 46%; 3) инфратузилмалар хизматидан қониқмаслик – 69%; 4) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасининг пастлиги – 51%; 5) фуқаролик институтлари қўллаб-қувватлашининг йўқлиги – 34%.

3-расм

**Самарали тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўладиган омиллар**




Тадқиқот натижасида Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида ижтимоий ҳамкорлик қоидалари жамият ҳаётининг барча соҳаларида босқичма-босқич татбиқ этилаётгани аниқланди. Ҳамкорлик жараёнларида реал аҳолининг барча қатлами вакиллари, хусусан, турли ёшдаги фуқаролар иштирок этишига эришилгани ўрганилди. Бу йўналишда фуқаролик ва демократик институтлар фаол иш юритаётгани маълум бўлди.

Бундан ташқари динлараро ва маданиятлараро келишув масалалари, уни мустаҳкамлашда ижтимоий ҳамкорликнинг аҳамияти ҳам таҳлил қилинган.

Тадқиқотда кўрсатилганидек, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида асрлар мобайнида кўп миллатли, турли дин ва конфессияларга мансуб аҳоли яшаб келган. Ҳозирги пайтда 136 миллат ва элатлар бу юртда иноқлик билан умргузаронлик қилмоқдалар. Мустақиллик йилларида юзлаб масжид, черков, синагога ва ибодат уйлари қурилди, таъмирланди. Мамлакатимизда миллий тили, тарихи, анъаналари ва урф-одатларига амал қиладиган 140 дан ортиқ маданий марказлар фаолият юритмоқда. Ҳозирги кунда 2250 дан ортиқ диний ташкилотлар, 16 та турли конфессия расмий рўйхатга олинган, 2000 та масжид фаолият юритмоқда. Қиёслаш учун: 1980 йилда эса ушбу кўрсаткич бор-йўғи 89 тани ташкил этган эди.

